

Surxondaryo viloyatining turistik yo'nalishiga kiritilgan tarixiy-me'moriy, arxeologik va ekologik ob'ektlari haqida ma'lumot

№	Объект номи	Жой-лашган жойи	Даври	Объект тарихи

			МУРЧБОБО МАҚБАРАСИ – асли исмлари шайх Саид Вали бўлган самарқандлик савдогар 1874 йилда ҳаж амалини адо этиб, кичик ёшли ўғли билан Афғонистон (Балх шаҳри) орқали ўз ватанига қайтаётиб Термизга келади. Ўшанда Термиз атрофи қумзор бўлган Паттакесар деган жойда бўлган. Паттакесар қароқчи-ўғрилари савдогар Саид Валининг қаршисидан чиқади. Унинг белбоғига бойланган ҳамёнида пул бор деб уйлаб уни ўлдиришади. Қурқувдан даҳшатга тушган Саид Валининг ўғли бақириб қоча бошлайди. Ўғрилар уни ҳам тутиб олиб ўлдиришади. Белбоғдаги ҳамёнга қарашса пул эмас, қора мурч уруғи бўлади. Ўғрилар мурч уруғини ташлаб юбориб, савдогар ва унинг ўғлини ўша ерга кўмишади ва ерни текислаб қўйишади. Фақат белги сифатида ёғоч таёқ устига оқ мато бойлаб қўйишади. Кейинчалик қабр устига мурч дарахти ўсиб чиқади.	
1.	Мурчбобо мақбараси	Термиз шаҳри	20 аср бошлари	Карвонларга йўл кўрсатувчи, ўша замонларда шубҳали йўл билан бойиб кетган, кейинчалик катта савдогарга айланган термизлик Ином Алибой 1916 йилда ўз молларига омборхона қурдириш учун Саид Вали шаҳид бўлган жойни танлайди ва мурч дарахтини кестириб, қурилишни бошлайди. Ином Алибойга бу шаҳид жойлиги ҳақида айтишса ҳам, бунга эътибор бермайди. Қурилиш вақтида Ином Алибойга ишчилари одам суюги қолдиқлари чиқаётганлиги ҳақида хабар беради. Бу ҳолатни кўрган Ином Алибой қурқувдан фалаж олади. Ином Алибой касални

АЛЕКСАНДР НЕВСКИЙ
ПРОВОСЛАВ ЧЕРКОВИ – Туркистон
9-ўқчилар полкининг черковига 1901
йилда қурилиш комиссияси
томонидан тасдиқланган ҳарбий
ибодатхоналар намунавий лойиҳаси
бўйича асос солинган ва авлиё княз
Александр Невский номига
муқаддаслаштирилган. З йилдан
кейин черков полк мансабдорларини
сиғдиролмаганлиги сабабли, ҳарбий
вазирлик томонидан илгари
тасдиқланган намунавий лойиҳа
бўйича янги тошли черков қурилиши
учун маблағ ажратилган. Янги
черков очик кул ранг ғиштдан
қурилиб, 1904 йил илохий одам
Алексий шарафига (архитектор
Федор Михаилович Вержбицкий) асос
солинган бўлиб, 1905 йил 19 ноябр
куни муқаддаслаштирилган. Сиғими
катталиги 1500 киши мўлжалланган.

1917 йилга қадар Россия
империясида ҳаммаси бўлиб 64 га
яқин бу каби черковлар қурилган.

1909-1911 йилларда Самарқандда
ҳам шу лойиҳа бўйича святитель
(юқори унвонли шахслар номи)
Алексий Московский шарафига сабор
қурилган. Катта руҳоний Василий
Павлович

Благовещенский бошчилигидаги
сабор 1910 йилгача илохий одам
авлиё Алексия номли Туркистон 9-
ўқчилар полкига тегишли бўлган.
Бино лойиҳаси шу даврдаги
Туркистон ўлкасидаги кўплаб
ибодатхоналар билан бир хил бўлган.

1910 йил черков, Термизга
кўчирилган Туркистон 10-ўқчилар
полки ихтиёрига ўтиб, авлиё

			ВИЛОЯТ ЎЛКАШУНОСЛИК МУЗЕЙИ вилоятнинг биринчи музейи бўлиб, 1933 йил ташкил этилган. Музей дастлаб 6 та бўлибдан иборат бўлган. Ҳозирда эса музей 4 та йўналишда фаолият юритиб, музей экспозициясида этнография, археология, табиат ва тасвирий санъат намуналари намойиш этилади. Табиат бўлимида намойиш қилинаётган экспонатлар воҳанинг энг камёб ва ноёб, йўқолиб бораётган фауна олами вакиллари ҳақида маълумот беради. Тасвирий санъат йўналишидаги кўргазма залидан ўтган асрнинг 50-60 йилларида яратилган бетакрор картиналар коллекцияси, шунингдек Ўзбекистон халқ рассоми, академик Рўзи Чориевнинг санъат асарлари ўрин олган. Этнография йўналишига бағишлиган кўргазма залларида Сурхон воҳасининг халқ амалий санъатига бағишлиган моддий маданияти намойиш этилади. 85 йиллик фаолияти давомида музей ашёлари ва коллекциялари 70 мингга етди. Музей экспозицияси рангбаранглиги билан доимий сайёҳлар эътиборида. 2018 йилдан бошлаб музей номи Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Сурхондарё вилояти тарихи ва маданияти Давлат музейи номига ўзгартирилди ва З қаватдан иборат янги бинога кўчиб кўчиб ўтди.
3.	Вилоят тарихи ва маданияти Давлат музейи	Термиз шаҳри	1933 йил

			ТЕРМИЗ АРХЕОЛОГИЯ МУЗЕЙИ
4.	Термиз археология музейи	Термиз шаҳар, ат-Термизий шоҳ кўчаси, 29 А уй	<p>ТЕРМИЗ АРХЕОЛОГИЯ МУЗЕЙИ</p> <p>-Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилейига багишлаб 2002 йил 2 апрелда бунёд этилган Марказий Осиёда ягона археологияга ихтинослашган музей ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти лойиҳаси ва ташабbusи билан ташкил этилган. Экспозицияси 2 қаватдан иборат бўлиб, кириш, қимматбаҳо буюмлар сақланадиган ҳамда япон олими Като Кюдзо илмий фаолиятига бағишиланган кўргазма залларидан, 2-қаватида Сурхондарё воҳасининг энг қадим тарихи, яъни мил.авв. 100-40 мингийилликдан токи 20 асртага бўлган тарихини археологик ва нумизматик ашёлар орқали намойиш этувчи 9 та заллардан иборат. Шунингдек, музейнинг бошқа музейларда учрамайдиган айвон ости галереяси мавжуд бўлиб, унда эллинистик руҳни бахш этувчи антик давр меъморчилигида ишлатиган ашёлар ўрин олган ноёб экспонатлар намойиш этилади. Музей фонди 100 мингдан ошиқ бўлиб, унинг коллекцияси асосан археология ва нумизматикадан иборат. Музей ўзининг кутубхонасига эга бўлиб, унда 16 асрдан то ҳозирги кунга қадар нашр қилинган археология, нумизматика, архитектура, топография, санъатшунослик, тилшунослик соҳаларига оид ижтимоий, бадиий, илмий, табиий ва аниқ фанларга тааллуқли адабиётлардан иборат 18 мингта нодир манбалар сақланади. Сўнгги 25 йил давомида воҳада олиб борилган археологик тадқиқотларга бағишиланган илмий адабиётлар ҳам</p>

АЛ-ҲАКИМ АТ-ТЕРМИЗИЙ тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Башир Ҳаким Термизийдир. У 9 асрда яшаган бўлиб, ёшлиқ йилларида ўз юртида таникли олимлардан таълим олган. Илмини такомиллаштириш мақсадида Шарқ мамлакатларининг кўплаб шаҳарларида, жумладан, Балх, Нишопур, Бағдод, Макка ва Мадинада бўлади. Ўша даврнинг йирик алломалари билан илмий баҳс ва мунозараларда иштирок этади.

Термизий қаламига мансуб асарлар кўп. У 400 дан ортиқ асар ёзган, улардан 60 га яқини бизгача етиб келган. Улар орасида Мұхаммад (сав) ҳадисларига бағишиланган “Наводир ал-усул фи маърифат ахбор Расул” (“Расулуллоҳ хабарларини билишда нодир усуллар”), “Китоб ҳақиқат ал-одамия” (“Инсоният ҳақиқати тўғрисида китоб”), “Адаб ун-нафс” (“Нафс одоби”), “Китоб ул-ҳажж ва асрориҳи” (“Ҳажж ва унинг сирлари”), “Китоб ус-со-алот ва мақсадлари” (“Намоз ва унинг мақсадлари”), “Китоб ул-жума ал- лозим маърифатиҳо” (“Билиш лозим бўлган жумлалар”), “Хатм ул-авлиё” каби асарлари машҳур. “Хатм ул-авлиё” асарида Термизийнинг валийлик ҳақидаги қараашлари кенг баён қилинган. Валийликнинг ҳаққонийлиги, унинг нубувват (пайғамбарлик) билан боғлиқ бўлган жиҳатлари асарнинг бош мавзуси ҳисобланади. Термизийнинг фикрича, ақл-заковат ўзлаштира оладиган энг олий билим-маърифат ёки ҳикматдир, бу – инсон қалбини ёритувчи “илоҳий нур”дир. Турфа

- – Термиз шаҳар қалъасига мил. авв. I минг йилликнинг ўрталарида асос солинган. Шаҳарнинг номи қадимги бақтр тилидаги “**Taro Maetha**” сўзидан олинган бўлиб, у “дарёнинг нариги соҳилидаги манзилгоҳ” деган маънони билдиради. Мил. авв. 327 – йилда Александр Македонский бу қалъага Окс бўйидаги Александрия шаҳри деб ном берганлиги олимлар томонидан эътироф этилади. Мил. авв III асрда шаҳар Антиоксия – Тармита деб аталган. Термиз IV-V аср арман манбаларида “**Drmat**”, VII асрга оид хитой манбаларида “**Tamī**” номи билан қайд қилинган. IX-XII асрларга оид араб-форс манбаларида шаҳарнинг номи “**Tarmid**”, “**Tarmiz**” ва “**Tirmiz**” кўринишида ёзилган.

Юнон – Бақтрия подшоҳлиги ҳукмронлиги даври (мил. авв. III-II асрлар) да Термиз Бақтрияниң энг йирик шаҳарларидан бири бўлиб, у ўлканинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган. Бу даврда шаҳар 10 гектардан ортиқ майдонни эгаллаган ва у Шимолий Бақтрияниң энг йирик марказларидан бири ҳисобланган.

Кушонлар даврида Термиз Бақтрияниң ижтимоий – сиёсий ва маданий ҳаётида муҳим рол ўйнаган. Шаҳарда кўплаб маҳобатли маъмурий ва ижтимоий бинолар барпо этилган, ҳунармандчиликнинг турли соҳалари, савдо – сотик равнақ топган. Шаҳар Амударё бўйидаги

			ТАЛИТОФОРА - Термиз туманининг Сабзипоя маҳалласида жойлашган. Ишоотнинг томонлари 47 метрга тенг.
7.	Талитофора ёдгорлиги	Термиз тумани	<p>ТАЛИТОФОРА - Термиз туманининг Сабзипоя маҳалласида жойлашган. Ишоотнинг томонлари 47 метрга тенг.</p> <p>Ҳанузгача Эски Термиз ва унинг атрофида бевосита мил. авв. VI-V асрларга мансуб қатламлар ва ёдгорлик аниқланмаган бўлсада, Талитофорада мил. авв. VI-V асрларда ёдгорлик ўрнида дастлабки аҳоли манзили бўлганлиги тадқиқотлар натижасида ўз исботини топган.</p> <p>Эски Термиз ва унинг атрофида илк сунъий суғориш тизимининг шаклланиши ҳам мил. авв. VI-V асрларда юз берган.</p> <p>Маҳобатли бинолар (сарой ёки ибодатхона) қурилишида қўлланилган трапеция шаклидаги пишиқ ғиштлар, металл буюмларга тақлидан ясалган сопол идишлар ва сув маъбути Тритон тасвири ишланган тош безак каби санъат намуналарининг топилиши Талитафора ўрнида канал ва анхорлар қурилиши ва уларни қўриқлаш билан боғлиқ иншоот мавжуд бўлган деган хulosага келишга сабаб бўлди.</p>

8.	Чингизтепа ёдгорлиги	Эски Термиз	Мил.авв. 2 аср охири милодий 1 аср бошларига оид (катта ва кичик Чингизтепа)	<p>ЧИНГИЗТЕПА - мил.авв. 2 аср охири милодий 1 аср бошларига оид (катта ва кичик Чингизтепа)</p> <p>ёдгорлик. Тадқиқотларга кўра, Чингизтепа Термизнинг таркибий қисми бўлиб, жанубдан Пайғамбар ороли орқали Жайхун (Амударё)дан кечиб Термизга келган ёки шимолий юртлардан бу шаҳар орқали Бақтр (Балх) ва ҳ.к. томонларга йўл олган савдо карvonларининг доимий ҳавфсизлигини таъминлаб турган мустаҳкам қалъа вазифасини ўтаган. 2013 йилги мавсумда амалга оширилган қазув ишлари туфайли Чингизтепа мудофаа тизимининг қурилиши бевосита “Катта юэчжилар”нинг Юнон-Бақтрия давлатини батамом эгаллаб, Бақтрия ҳудудида шу жумладан, Тармита (Термиз)да ўтроқлашганидан сўнг, яъни мил. авв. I асрда амалга оширилганлиги тўлиқ ўз исботини топди.</p>
----	----------------------	-------------	--	---

АЙРИТОМ - ўзбек халқининг қади мий тарихи ва маданиятидан гувоҳлик берувчи кўхна шаҳар харобаси. Термиз шаҳридан 7 км шарқда, Амударё қирғозида жойлашган. Дастрлаб 1932 йилда мораялар томонидан Айритом яқинида Амударё тубидан одам хайкалчалири ишланган фриз (пирамон) парчалари топилган, 1933 йил Айритомда яна 7 та фриз бўлаклари ҳамда будда ибодатхонаси харобаси топилган, фризлар 1-2 асрларга оид бўлиб, уларда қўшнай, чилтор, уд, ноғора чалаётган созандалар ва гулчамбарлар, мева солинган идишлар кўтариб олган йигит-қизлар ифодаланган.

Бу блоклар Амударёning баланд қирғозида жойлашган ва уч томондан мудофаа деворлари ҳамда миноралари билан ўралган маҳобатли бино безаклари бўлган. Бино милоднинг I асрига оид иморат харобалари устида кўрилган. Тасвирли рельеф блоклар бино пештоқларининг тепасини ва ибодатхонага кириш йўлини безаб турган.

Айритомдан топилган саккизта горизонтал кошиндан иборат фриз бурчакларида волюталар ва икки қатор акант барглари тасвирланган бўлиб, уларнинг ўртасида кўкрагигача бўрттириб ишланган ва гуёки акант барглари орасида учеб юрган одам шакллари жойлашган. Улар само мусиқачилари - арфа, уд, қўшнай, дўмбира, чанг чалаётган гандхарвалар, гулчамбар, идиш ва мевалар таккан донатрислар

ҚОРАТЕПА – будда ғор ибодатхоналар мажмуаси. Эски Термизнинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган. Дастлаб 1926-28 йилларда Москвадаги Шарқ халқлари маданияти давлат музейи экспедицияси очган. 1937 йилда М.Е.Массон ва Е.Г.Пчелина текширган. 1960-йилларда археолог Б.Я. Ставиский қазиш ишлари олиб борган. Ҳозирда Ш.Пидаев раҳбарлигига археологик тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Обида 3 та табиий дўнгликда қурилган. Умумий майдони 8 га дан зиёд. Жанубий дўнгликда 15 дан зиёд ғор мажмуаси бўлган. Ғарбий дўнгликдаги ғор мажмуаси 5 дан ортиқ бўлмаган. Шимолий дўнгликнинг шарқий қисмини ер юзасида жойлашган монументал мажмуа эгаллаган, Ғарбий қисмини эса ер юзасига қурилган унча ҳашаматли бўлмаган ибодатхоналар банд қилган. Ғор ибодатхоналарини қуриш қоидалари ҳиндлардан ўзлаштирилган. Кейинроқ қурилганларида бақтрияликларнинг меъморий усуллари устун келади.

Қоратепадаги дастлабки буддавий ибодат иншоотлари мил. 1 асрда қурила бошлаган. Қоратепанинг энг гуллаган даври милодий 2-3 асрларга тўғри келиб, бу пайтда ибодатхоналар кўплаб қурилган, аввалгилари эса янгиланган ҳамда безатилган.

Милодий 3 аср охирига келиб Қоратепа мажмуалари инқирозга юз тутди ёки вайрон этилди. Бу сосонийларнинг Кушон давлатига

11.	Фаёзтепа буддавийлик монастири	Эски Термиз	Мил. 1-3 асрлар	<p>ФАЁЗТЕПА - мил. 1-3 асрларга оид вихара типидаги буддавийлик монастир-ибодатхонаси. Термиз шаҳри яқинидаги Эски Термиз шаҳар харобаларининг шимоли-ғарбида Қоратепадан 1 км шимоли-шарқда жойлашган.</p> <p>Фаёзтепанинг очилиши 1968 йилнинг баҳорида чўпон Абсад Бекнаев томонидан мергелий оҳак тошидан ишланган будда санамини кўчма қум устидан топиб, Термиз ўлкашунослик музейига топширишидан бошланди. Ёдгорлик 1968-76 йилларда археолог Л.И.Альбаум томонидан ўрганилди. Фаёзтепа майдони учма қумлар ўюмидан тозалангач, унинг меъморий тарҳи очилиб, у З қисмдан иборат монументал иншоот, яъни марказий қисми тўғри тўртбурчак айвонли ҳовлили ибодатхона ва унинг атрофи бўйлаб жойлашган 20 та хонадан иборат бўлган. Унинг шимоли-ғарбида монастир, жануби-шарқида эса хўжалик қурилиш иншоотлари аниқланган. Бинонинг умумий узунлиги 117 метрга, кенглиги 34 метрга teng бўлган. Мажмуанинг умумий майдони 1,5 минг кв. м га яқин.</p> <p>Монастир майдонида жойлашган хоналарда роҳиблар ва монастир талабалари истиқомат қилишган, монастирда ўқув хоналари ва заллари, зиёратчилар тўхтаб ўтадиган ётоқхоналар жойлашган. Хоналар деворларида пилта чироқ ёритқичлари учун токчалар ишланган. Айрим хоналарнинг девори остида Будда ҳайкаллари ва уларни ўрнатиш учун супа-тагкурсилар қурилган. Демак, роҳиб ва тала-</p>
-----	--------------------------------	-------------	-----------------	--

			ЗУРМАЛА – Термизнинг буддавийлик иншоотлари орасида Эски Термизнинг шарқида жойлашган 2-3 асрларга оид Зурмала ступа – иншооти ҳам катта эътиборга лойик. Қадимшунослар олиб борган тадқиқотлари натижасида бу иншоотни Кушонлар салтанати даврига оид буддавийларнинг ступаси эканлиги аниқланган. Ҳақиқатдан ҳам милодий 1-3 асрларда Термиз Марказий Осиёда буддавийликнинг марказларидан бири бўлган. Шу туфайли бу ерда кўплаб буддавийлик ибодатхоналари бунёд этилган.	
12.	Зурмала буддавийлик ступаси	Эски Термиз	Мил.авв. 2-3 асрлар	Зурмала ступасини қуриши учун 1 200 000 та 40x40x10 см ҳажмдаги хом ғиштлар ишлатилган. Булардан ташқари ступанинг ташқи томони оҳактош ва юқори қисми тўқ қизил ранг берилган пишиқ ғиштлар билан қопланган. Ҳозирда ташқи қопламалар сақланмаган бўлсада, унинг баландлиги 13 м. диаметри эса 14,5м. ташкил этади. Қадимда унинг баландлиги 16 метрдан кам бўлмаган. Ступанинг тепаси гумбазсимон бўлиб, катта цилиндр шаклидаги қолдиқлари ўзининг маҳобати билан кишини ҳайратга солади. Ёдгорлик яқинида кўплаб тошли оҳактош блоклар, меъморий безак ва рельефларнинг топилганилиги Зурмала ступаси ўз даврида тошли ва рельефли қопламага эга бўлган, деб ҳисоблашга асос бўлади. Гумбаз остига буддизмга оид муқаддас китоблар, ҳайкалчалар ва табаррук нарсалар сақланган.

ТЕРМИЗШОҲЛАР САРОИИ. Абу Райхон Беруний ўзининг “Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида бир қанча худудлар ва уларни бошқарган хукмдорлар титулларини келтириб ўтади. Ушбу рўйхатда беш худуд титулида “Шоҳ” сўзи иштирок этади. Булар қуидагилар: Сосонийлар-Шаханшоҳ, Қобулда-Қобулшоҳлар, Хоразмда-Хоразмшоҳлар, Шервонда-Шервоншоҳлар, Термизда-Термизшоҳлар. IX-XII асрларда Термизни идора қилган Термизшоҳлар Эски Термизнинг “Сурадикат” (ўрта асрларга хос шаҳарнинг тўртинчи қисми) қисмida жойлашган саройда истиқомат қилғанлар. Термизшоҳлар саройи хақидаги дастлабки маълумот Евгени Феодорович Кал (1863-1891) томонидан берилган. Маълумотда: 1890 йилнинг 24-25-26 октябрида Термизда бўлганлиги, тўғрибурчак шаклда оддий бинонинг деворлари қум ичидан кўриниб турганлигини, деворнинг ҳар бурчагида минора бўлганлигини, пишган ғиштлар ишлатилганлигини ва махаллий киши бу ерни “Подшоҳнинг таҳти” яъни подшоҳ саройи эканлигини айтганлиги келтирилган. Шу тариқа бу ерни ўрганиш ишлари бошлаб юборилади.

Дастлаб сарой 1926-1928 йилларда Б.П.Денике бошчилигига МВК (Москва Шарқ маданияти музейи), 1936-1937 йилларда М.Е.Массон бошчилигига TAKE (Термиз археологик комплекс экспедицияси) ва 1987-1989 йилларда Сурхондарё вилоят ўлкашунослик музейи

				ЗУЛКИФЛ МАҚБАРASI - Термиз яқинидаги меъморий ёдгорлик (11-12 асрлар). Ривоят қилинишича, бу ерга Қуръони каримда тилга олинган 25 пайғамбарлардан бири Зулкифл пайғамбар дафн этилган. Зулкифл мил.авв. 7-6 асрларда яшаб ўтган тарихий шахс ҳисобланади. Унинг қабри Ироқнинг Кифл шаҳрида жойлашган, Ғазнавийлар даврида Зулкифл қабри оролга кўчириб келтирилган ва мақбара ҳамда масжид барпо этилган.
14.	Зулкифл макбаси	Эски Термиз	11-12 асрлар	<p>Тарихий манбаларда 992-993 йилларда вафот этган аббосийларнинг атоқли лашкарбошларидан Исҳоқ ибн Кунажа ҳам шу ерда дафн этилгани қайд қилинган.</p> <p>Амударёдаги Пайғамбар оролининг жанубий қисмида жойлашган масжид гўрхона ва уларга туташ 2 хонадан иборат. Бинолар турли даврларда бунёд этилган. Масжид мурабба тарҳли, гумбазли, олди пештоқли. Мехробига ганчкори гирих нақш ишланган. Гўрхона масжид сатҳидан 1 м ча баланд қилиб қурилган, унда сағана сақланган. Гўрхонанинг икки эшиги орқали туташ қурилган икки хонага ўтилади. Хоналар деворига ғиштлар мавжли шаклда терилган.</p> <p>Ривоятларга кўра, Амударёнинг нариги соҳилида яшаган пайғамбарсифат бир киши вафоти олдидан ўз муридларига васият қиласди. Васиятида “ўлсам тобутимни Амударёга оқизинглар. Тобутим қаерга тўхтаса, ўша ерга дафн килинглар” дейди. Ул шахс</p>

ҚИРҚҚИЗ ҚАЛЪАСИ - Сурхондарё вилоятидаги меъморий ёдгорлик бўлиб 9-10 асрларда бунёд этилган. Термиз туманида (вайрона ҳолида сақланган). Тадқиқотчилар томонидан ушбу ёдгорлик ўтмишда қандай вазифада фойдаланганлиги ҳақида турли фаразлар мавжуд. Шаҳар ташқарисидаги зодагон саройи, қизлар мадрасаси, хонақоҳ, карvonсарой ва ҳокозо. Ўрта асрларда Термиз шаҳрининг ташқарисида жойлашганлиги қалъа шаҳар ташқарисидаги қўрғон вазифасини ўтаганлигини кўрсатади. У дунё томонларига мослаб қатъий мужассимотда бунёд этилган. Қалъа тўртбурчак тарҳли ($53,3 \times 54,8$ метр), бир қаватли, фақат йўлаклар умумий баландликда икки қаватли бўлиб, хом ғишт ($30 \times 30 \times 5$ см)лардан қурилган. Тоқ ва равоқларида шу ўлчамдаги пишиқ ғиштлар ҳам ишлатилган. Қалин девор билан ўралган (ташқи девор қалинлиги $2-2,5$ метр), бурчаклари ҳажмдор буржлар билан мустаҳкамланган; буржлар оралиғида тоқлар билан ёпилган айвонлар жойлашган, тарзларига бир маромда такрорланувчи туйнуклар ишланган. Қалъанинг барча хоналари ва марказдаги саҳн ($11,5 \times 11,5$ метр) ўзаро йўлаклар билан боғланган; марказий саҳн ҳовли ёки гумбазли зал бўлган деб тахмин қилинади. Айвон ва йўлаклар бинони тўрт қисмга бўлган. Булар иккита бир хил тузилган (беш хона ва уч томонидан ўралган йўлак, эни $2,1$ метр) шимоли - ғарбий ва шимоли - шарқий ҳамда иккита жануби - ғарбий (иккита йўлакча билан боғланган бешта

16.	Кокилдор хонақохи	Термиз тумани	13-16 асрлар	<p>КОКИЛДОР ХОНАҚОХИ - масжид, мадрасалардаги катта хона, зиёратчилар учун қурилған жамоатхоналар, ҳужралар хонақох деб аталған. Кейинчалик сүфийлар машғулотларини ўтказишга мүлжалланған катта хона ва унинг атрофига қурилған ҳужралар ҳам хонақох деб аталған. Амир Темур даврида Султон Саодат мақбараси ёнида хонақох қурилғанлыги ёзма манбаларда сақланиб қолған.</p> <p>Кокилдор хонақохи – Термиз (Намуна қишлоғи)даги меъморий ёдгорлик. Халқ орасыда Алоулмулк Худовандзода (Термиз ҳукмдори) күшкі, “Азизон”, “Азлар эшон”, “Кокилдор” (кокил қирқиши удуми) деб номланған. Тадқиқотчиларнинг фикрича хонақох 16 асрда Шайбонийлардан Абдуллахон II даврида бунёд этилған.</p> <p>Кокилдор хонақохи түғри түртбурчак тархли ($27,5 \times 17$ метр), 5 хонадан иборат. Баланд ва чуқур равоқли пештоқ орқали марказий хона ($7,5 \times 7,5$ метр) га кирилади. Марказий хонанинг гумбази 8 қиррали пойгумбаз устига қурилған, икки ён томонидаги хоналар ўзаро ўхшаш, тенг ҳажмда, далон орқали боғланған орқа ва ён эшиклари бўлған. Марказий хона саҳнида бирнечча қабр сақланиб қолған. Ичкаридаги равоқ ва намоёнларга ганчкори усулида пардоз берилған. Гумбаз ости бағаллари муқарнаслар билан безатилған. Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги муносабати билан атрофи ободонлаштирилиб, таъмир ишлари амалга оширилған.</p>
-----	-------------------	---------------	--------------	---

				СУЛТОН САОДАТ - Термиз сайидларинг дафиналари жойлашган маҳобатли мақбаралар мажмуаси ҳисобланади. IX-асрда Ватанимиз равнақига катта ҳисса қўшган Термиз саййидлари хонадони шаклланади. Марказий Осиё саййидларининг кўпчилиги ўзларининг келиб чиқишини шу хонадон билан боғлайдилар. Ривоятларга кўра, Термиз саййидлари Муҳаммад пайғамбарнинг қизи биби Фотиманинг ўғли имом Ҳусайннинг 5-авлоди бўлган Ҳасан ал-Амирга бориб тақалади. Ҳасан ал-Амир ўзининг яқинлари билан 850 йилда Самарқандга келади ва у ерда ўн бир йил яшаб, Балхга кўчади. Тахминан 865 йилда Ҳасан ал-Амир Термизга кўчиб келади ва шу ерда бутунлай ўрнашиб қолади.
17.	Султон Саодат мажмуаси	Термиз тумани	9-15 асрлар	Амир Темур ҳукмронлиги даврида ҳам Термиз саййидлари хонадонининг нуфузи катта бўлган. Улардан Абу-л-Маали ва Али Акбарлар Соҳибқироннинг ҳарбий юришларида қатнашган. Амир Темур Ҳиндистонга қилинган юришларида доимо Термиз саййидлари хонадонида тўхтаб, 2-3 кун уларнинг меҳмони бўлган. Қачонлардир Султон Саодат мажмуасининг бир қисми ҳисобланган, ҳозирда сақланмаган, Амир Темур томонидан бунёд этилган хонақоҳ, унинг Термиз саййидларига кўрсатган ҳурмати намунасидир.

			УЧҚИЗИЛ КҮЛИ - Термиз туманида, Термиз шаҳридан 12 км масофада жойлашган.
18.	Учқизил кўли	Термиз тумани	<p>Майдони -1000 га. Кўл атрофида турли ташкилотларга тегишли бўлган 8 дам олиш зоналари мавжуд. Шунингдек, илмий-тадқиқот марказининг Семашка номли дам олиш маскани ҳам фаолият юритади. Ҳудуд инженерлик инфратузилмаси (электр ва сув таъминоти) га эга.</p> <p>Кўлда туризмнинг сув турларини ривожлантириш учун катта потенциал мавжуд бўлиб, унда санитар – курорт зоналарини шакллантиришда ҳам қулай имкониятлар мавжуд ҳисобланади.</p>

19.	Зартепа ёдгорлиги	Ангор Тумани	Мил.авв. 4-2 асрлар	<p>ЗАРТЕПА – Термиз шаҳридан 26 км шимоли-ғарбда жойлашган қадимги шаҳар харобаси. Зартепа 1951-52 йилларда археолог Л.И.Альбаум томонидан текширилган. Зартепа квадрат шаклида бўлиб, деворларининг узунлиги 400 м дан, шарқий девор харобалари 6-7 м, ғарбий девори 4 м гача сақланиб қолган. Шаҳарнинг шимоли-шарқида квадрат шаклида қалъа-қўрғон бор, у шаҳристондан мудофаа чизиғи - кат та хандақ билан ажратилган. 1960-80 йилларда археолог В.Завялов, Қ.Собиров ва Ш.Пидаевлар томонидан ўрганиш давом эттирилган. Археологик қазишмалар туфайли Зартепанинг шаҳристон қисмидан уй-жой қолдиқлари ва кўчалар очилган. Топилмаларнинг энг қадимгиси мил. авв. 4-2 асрларга, кейингилари илк ўрта асрлар (5-7 асрлар)га тўғри келади.</p>
-----	-------------------	-----------------	---------------------------	--

БОЛАЛИКТЕПА – 6-7-асрларга мансуб катта ер эгаси (дехқон) күшки-қароргоҳи. Тошкент-Термиз автомобиль йўлидан 2 км шимоли-шарқда жойлашган. Ватанимиз ҳудудидаги жаҳонга машҳур археологик ёдгорликларидан бири. Болаликтепа ilk бора археолог Л.И.Альбаум томонидан 1953-1956 йилларда тўлиқ қазиб очилган. Томонлари 30x30 м, ундаги иншоот 6 метр пахса саҳн тепасида қурилган.

Л.И.Альбаум ва В.А.Нильсен фикрига кўра, айни шу 6 метрли пахса саҳн устида даставвал томонлари 24x24,5 метрга тенг ҳовли қурилади. Бу уйнинг тарҳи жуда оддий бўлган. Унинг марказида томонлари 14,5 метрни ташкил этган ҳовли жойлашган. Ҳовлининг тўрт томони эса тор узун йўлаксимон хоналардан таркиб топган, бинога кириш қисм эса унинг жануби-шарқий бурчагида бўлиб, унга осма кўприк орқали ўтилган. Болаликтепа асосий қисмидан бир неча метр узоқликда жойлашган буржга (бурж-мудофаа истеҳкоми тури) ўхшаш иншоот мавжуд бўлиб, осма кўприк Болаликтепадан айни шу буржга йўналган бўлган. Бу қурилиш ишлари милодий 5 асрда амалга оширилган. Милодий 5 асрнинг охири - 6 асрнинг бошида ҳовли вазифасини ўтаган бино марказий қисмida қабул ва маросимларга мўлжалланган қабул ва маросим заллари қурилади. Айни шу қурилиш босқичида қабул залларидан бири базм маросимларига бағишиланган деворий суратларга безалади. 7 аср бошида кўшк соҳиблар уни батамом

21.	Кўрғон ёдгорлиги	Ангор тумани	Милодий 5-7 асрлар	<p>ҚҮРҒОН – 5-7-асрларга мансуб күшк, яъни катта ер эгаси (дөхқон) қароргохи, Зартепадан 3 км шарқда жойлашган. Томонлари 30x24 метр, баландлиги 10 метр атрофида. 20-асрнинг 70-йилларида археолог Т. Аннаев томонидан күшкнинг иккинчи қаватида қисман археологик қазув ишлари олиб борилган. Иккинчи қаватнинг шимоли-шарқий қисмини түғри бурчак шаклидаги хоналар эгаллаган. Бу хоналардан бирининг томонлари 5,0x6,0 метр. Улардан ғарбий тарафда томлариравоқсимон усулда ёпилган хоналар жойлашган. Марказий қисмдаги шимолдан жанубга қараган йўлак бу икки қисм хоналарини ўзаро боғлаб турган. Иншоот асосий эшиги арксимон кўринишда бўлиб, унинг шимолий тарафида биринчи қаватнинг ўртасида жойлашган. Кўрғон ундан топилган сопол идиш бўлаклари ва қурилишда қўлланилган хом ғиштларга асосланиб 5-7-асрларга оид деб аниқланган. Кўрғон 5-7-асрларда мавжуд бўлган аграр муносабатларни ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.</p>
-----	------------------	--------------	--------------------	--

			ХАЙРАБОДТЕПА – Күшон даврига оид шаҳар-қалъа, милоддан аввалги 1-асрда асос солинган. Ангор марказидан жанубий тарафда Хайробод қишлоғида жойлашган. Ёдгорликда илк бора археологик тадқиқотлар 20-асрнинг 50-йилларида археолог Л.И.Альбаум томонидан амалга оширилган. Хайрабодтепа шахристонида археолог В. Д. Жуков қазув ишлари олиб борган. 20-асрнинг 70-йилларида эса археолог Қ.Собиров томонидан Хайрабодтепа мудофаа истеҳкомлари ўрганилган. Хайрабодтепа тархи тӯғрибурчак кўринишдаги томонлари шимолдан жанубга томон 150 метр, ғардан шарқقا қараб 100 метрни ташкил этган икки қисмли мустаҳкам шаҳар-қалъа. Шаҳар-қалъанинг арки аълоси томонлари 50 x 50 метрга teng бўлиб, унинг жануби-шарқий томонида жойлашган. Арки аъло асосий шаҳар-қалъа қисмдан хандак билан ва ички шаҳар ўртасидан девор ёрдамида икки қисмга ажратиб қўйилган. 1954 йилда шаҳарнинг арки-аълосида икки тарихий даврга оид маданий қатламлар ва улар билан боғлиқ меъморий иншоотлар ўрганилган.
22.	Хайрабодтепа ёдгорлиги	Ангор тумани	<p>Мил.авв. 1 – милодий 5-7 асрлар</p> <p>Хайрабодтепа арки аълосидаги энг сўнгги бино 5-7- асрларда мавжуд бўлган. Бу иншоот ёнма-ён жойлашган асосан яшаш ва хўжалик вазифасини ўтаган хоналардан таркиб топган.</p> <p>Иморат санаси уни ўрганиш давомида топилган сосоний шаҳаншоҳи Перуз (457-484) тангаларига тақлидан зарб этилган тангалар. Киртимукх (ярим одам.</p>

23.	Сополлитепа ёдгорлиги	Музработ тумани	Мил.авв. 17-15 асрлар	<p>СОПОЛЛИТЕПА - Шеробод чўлини кесиб ўтган Уланбулоқсой ёқасига жойлашган жез (бронза) даврига оид ёдгорлик. У 1968 йил археолог Л.Альбаум томонидан топилган. 1969-74 йилларда А.Асқаров томонидан ўрганилган.</p> <p>Сополлитепанинг майдони тахминан 3 га. Унинг 1 га.га яқин марказий қисми мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Тепанинг устки қисмидаги сопол синиқлари қалашиб ётганлиги учун у маҳаллий ахоли орасида Сополлитепа деб аталган.</p> <p>Қалъанинг ичидаги турар жой мажмуалари унинг ички деворлари бўйлаб жойлашган. Улар ана шу кўчалар орқали 8 та маҳаллага бўлинган. Қалъа марказида очик майдон бўлиб, қалъа дарвозасидан бошланган кенг йўл ва тор кўчалар ана шу майдон билан боғланган. Ҳар бир маҳаллада уруғ жамоаларининг хилхоналари бўлиб, мархумлар мудофаа деворлари ва уйларнинг поли остига кўмилган. Уруғ бошлиқларининг қабрлари эса одатда оила ўчоғи рўпарасида учратилади.</p> <p>Сополлитепада 150 дан ортиқ турар жой мажмуалари очилган. Улар маҳалла бўйича тақсимланганда ҳар бир маҳалла майдонига 15-20 тагача оиласи турар жой мажмуалари тўғри келади.</p> <p>Оиласи турар жой мажмуалари кўп хонали бўлиб, ҳар бир оиласи қарашли кўп хонали уйнинг бири деворининг остида мўрили ўчоқ, иккинчисида сандал, учинчисида омборхона сифатида фойдаланилган.</p>
-----	-----------------------	-----------------	-----------------------------	--

24.	Кампиртепа ёдгорлиги	Музработ тумани	Мил.авв. З-мил.З асрлар	<p>КАМПИРТЕПА - Амударёning ўнг соҳилида Термиздан 30 км ғарбда жойлашган қадимги шаҳар харобаси. Юнон-Бақтрия подшолиги даврида Кампиртепа нафақат шаҳар, балки ҳарбий гарнizon вазифасини ҳам бажарган ва 15 аср муаррихи Хофизу Обрў асарида Жайхун бўйидаги “Пандахейон” номи остида эслаб ўтилган. Кампиртепа 2 қисм, қалъа ва ундан ғарб ва шарқ томонда жойлашган, атрофи девор билан ўралмаган қисмдан иборат. Қалъа майдони 4 га бўлиб, арк ва турар жойлардан ташкил топган. Унинг атрофи хом ғиштдан қалинлингган қалинлиги 5 м келадиган мустаҳкам мудофаа девори билан ўраб олинган, деворга ички йўлаклар қилинган, бурчакларида миноралар ўрнатилган бўлиб, хандақ билан ўралган. Арк қалъанинг марказий қисмида жойлашган. Аркнинг майдони - 1,3 га, жанубий-шарқий бурчагида дарвозаси бўлган. Аркнинг ички қисмида турли мақсадлар учун мўлжалланган хоналар жойлашиб, улар ўзаро йўлаклар билан боғланган 4 та йирик блокни ташкил қиласди. Кампиртепанинг мустаҳкамланмаган қисми, асосан, дафн иншоотлари мажмуаси билан банд. Кампиртепадаги ҳаёт учта асосий даврга бўлинади. Кампиртепа ёдгорлиги кушон подшолиги даврида 1-2 асрларда гуллаб яшнаган ва ёдгорликдан топилган ашёлар бу ерда ҳунармандчилик ва савдо тараққий этганини билдиради.</p>
-----	----------------------	-----------------	-------------------------------	--

25.	Коракамар ғор мажмуаси	Музработ тумани	2 минг йил аввал	<p>ҚОРАКАМАР ҒОРИ - Ўзбекистон билан Туркманистон чегараси яқинида Кўҳитанг тоғ тизмасида жойлашган. Қоракамар ғор мажмуаси бундан икки минг йил аввал барпо этилган. Унинг тарҳи Шарқдаги ғорда барпо этилган иншоотлар орасида ўзига хослиги билан ажралиб туради. Унинг 3 та катта зали атрофида жойлашган кичик хоналар улкан тўғри бурчакли сағни 200 кв.м.ни, баландлиги 10 метргача борадиган ҳовли билан туташтирилган. Иншоот бунёдкорлари мажмуани атроф муҳит билн уйғунлаштиришга уринишган.</p>
-----	---------------------------	--------------------	---------------------	---

ЗАРАУТСОЙ қоятош суратлари -

Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги қоятош суратлари Ҳисор тизмасининг жануби-ғарбида Кўҳитанг тоғининг шарқий ён бағрида, Термиздан 100-110 км шимоли-ғарбда, Шеробод тумани Қизил олма қишлоғидан 5 км шимолда Зараутсой дарасида жойлашган Зарауткамар ғоридан мезолит, неолит ва кейинги даврларга мансуб чизма тарзида контур ва соя услубида қизил ангоб (охра) билан чизилган 200 дан ортиқ расмлар 1912 йилда И.Фёдоров томонидан топилган. Археолог Г.Парфёнов (1940-1945), кейинчалик А.Рогинская (рассом), А.Формозов, А.Кабировлар томонидан ўрганилган. Зараутсой расмларида одамларнинг итлар ёрдамида ёввойи буқаларни ов қилиш манзараси тасвирангандан. Ҳайвонлар (ёввойи буқа, ит, тулки, ёввойи чўчқа, бурама шоҳли эчки, жайрон, тоғ эчкиси, ҳашарот ва б.), турли буюмлар (ўқ-ёй, найза, ўроқсимон қуроллар), ниқобланган одамлар ўзига хос тарзда ҳаётий қилиб ишланган.

Расмлар жойлашган камар дара сатҳидан 8,2 метр баландликда жойлашган. Камарнинг кенглиги 1.4-2,5 м, узунлиги 5,2 м ва баландлиги 3,9м. Унга чиқиб бориш ноқулай, маданий қатламлар топилмаган ва демак ҳеч ким яшамаган.

Тадқиқотчиларнинг фикрича камар деворларига чизилган расмлар ва камарнинг ўзи овчилик маросимлари ўtkазиладиган маскан бўлган.

Камарга кириш йўлаги шарққа қараган, расмлар шимолий ва ғарбий деворда, асосан шимолий деворга

			ТИЛЛАБУЛОҚ - Шеробод тумани Пошхурт қишлоғи яқинида жойлашган бронза даврига оид Тиллабулоқ ёдгорлиги милоддан аввалги III минг йиллик охири – II минг йиллик бошларига түғри келади. Ёдгорликда сүнгги марта 2007-2010 йилларда қазишка ишлари олиб борилган. Тиллабулоқ ёдгорлиги Сополли маданиятининг 4- босқичига оид ёдгорлик бўлиб, умумий майдони 360 кв.м.ни ташкил этади.
27.	Тиллабулоқ ёдгорлиги	Шеробод тумани	<p>Мил.авв. З минг йиллик охири – 2 минг йиллик бошлари</p> <p>Ёдгорликнинг лойиҳаси шуни кўрсатадики, бино бир неча хоналардан иборат бўлиб, у бевосита марказий кўча билан боғланган. Кўчанинг тугаш қисми тепаликка олиб боради.</p> <p>Ёдгорликдан турли хажмдаги сопол буюмлар, пайкон учлари, тош, бронза игна, бигиз, билакузуклар, суюклардан ясалган ҳар хил меҳнат қуроллари, лазурит мунчоқлар, болта, тумор ва муҳрлар каби топилмалар қўлга киритилган. Муҳрда афсонавий аждар билан биргаликда инсон ва ит тасвиirlари туширилган. Бу каби илк давлатчилик аломатларини ўзида акс эттирган муҳрлар давлатчилигимиз тарихини яна 300 йил орқага суради.</p>

28.	Жарқұтон ёдгорлиги	Шеробод тумани	Мил.авв. 15-14 асрлар	<p>ЖАРҚҰТОН ҚАЛЪАСИ - Милоддан аввалги 17-10 асрлар оралиғида шаклланған Сополли маданиятининг ноёб ёдгорликларидан бири Жарқұтон қалъасидир. Бронза даврида бунёд қилинған қадимий қалъалари орасида Шеробод тумани ҳудудида жойлашған мил.авв.15-14 асрларга оид илк шаҳар күринишидаги Жарқұтон қалъаси үзига хос мавқеи, қурилиш услуби билан ҳам ажралиб туради. Қалъа деворлари ичидә 3 мингга яқин қабрлар, 2 та қишлоқ, құрғон, ҳунармандлар, кулоллар маҳаллалари, оташпаратлар ибодатхонаси, қалъа ҳокими саройи очилған. Арки аъло түрт бурчак шаклда бўлиб, 5 метрга тенг келадиган ташқи девор билан ўралған. Ташқи девор эса қалъа химоячилари турған буржлар билан муҳофаза қилинған. Саройнинг ички қисми асосан турар жойлардан иборат бўлган. Айниқса оташпаратлар ибодатхонасининг қурилиш услуби хоналари айвони узун йўлаклари, муқаддас ҳудудлари, кенг майдони 4 устунли қубба шаклда жойлашған. Муқаддас олов ёниб турған оташдондан Арки Аълонинг буржли деворларини кўрган киши чуқур ўйга толади. Жарқұтон қалъаси харобаларини ўрганиш жараёнида кўпгина қимматли асори-атиқалар топилған. Улар орасида тақинчоқлар, уй рўзғор буюмлари, бронза ва тош қуроллари, маъбудалар ҳайкалларини учратиш мумкин. Айниқса, қабрлар ичидә топилған буюмлар ўша давр одамларининг турмуш тарзини ўрганишда</p>
-----	--------------------	----------------	--------------------------	---

29.	Тавка қалъаси	Шеробод тумани	3-7 асрлар	<p>ТАВКА ҚАЛЪАСИ Илк ўрта асрлар даврида Сурхондарё маданияти юксак ривожлангани билан ажралиб туради. Шеробод тумани ҳудудида жойлашган Тавка божхона қўрғони бу даврнинг энг муҳим ёдгорликларидан саналади. Ушбу ёдгорлик деворларида сақланиб қолган суратлар ўзига хослиги билан ажралиб туради. Баланд тепаликда қад кўтарган божхона биносининг икки томони тоғлар билан қуршалган. Ривоят қилишларича, бир пайтлар божхона атрофида соқчилик назорати ҳам ўрнатилган экан. Тавка қўрғони 5-6 асрларда Куфтон ҳокимларининг қароргоҳи вазифасини ҳам ўтаган.</p> <p>Қадимшунос олимларнинг текширишлари туфайли божхона биносининг 2 та зали, айвонлари, йўлаклари борлиги аниқланган. Божхона биносининг деворларида ишланган суратларда эса ўша давр аслзодаларининг гуруҳ-гуруҳ бўлиб, ёввойи ҳайвонларни овлаш жараёни акс эттирилган. От юргизиб бораётган чавандозлар, от оёқлари орасида жон сақлашга интилаётган товушқон кийиклар ҳолати моҳирона тасвирланган. Ушбу жараённи завқушавқ билан томоша қилаётган қизжуvonларнинг суратлари ҳам сақланиб қолган. Тавка қўрғони деворий суратлари Кушон даври тасвирий санъати анъаналарининг ривож топиб, янгича тус, ранг йўналиш олганлигини кўрсатади. Тавка қўрғони божхонаси ўзбек давлатчилиги тарихининг қадим-қадимларга бориб тақалишидан яна бир бор далолат беради.</p>
-----	---------------	----------------	------------	--

АБУ ИСО ИМОМ ТЕРМИЗИЙ түлиқ исми Абу Исо Мұхаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Заҳжок Сулламий Буғий Термизийдир. У 824-892 йилларда яшаган бўлиб, Буғ қишлоғида (ҳозирги Шеробод тумани) дафн этилган. Имом Термизий ёшлиқдан ўта зийраклиги, хотирасининг кучлилиги, ноёб қобилияти билан ўз тенгқурларидан ажралиб турган. Диний ва дунёвий фанларни, айниқса, ҳадис илмини алоҳида қизиқиш билан ўрганган, бу борадаги билимларини янада ошириш учун кўпгина Шарқ мамлакатларига борган. Узоқ йиллар Ироқ, Исфахон, Хурросон, Макка ва Мадинада яшаган. Узоқ давом этган сафарлари чоғида қироат илми, баён, фикҳ, тарих, айниқса, ўзи ёшлиқдан қизиқсан ҳадис илми бўйича ўша даврнинг йирик олимларидан таълим олади. Машҳур муҳаддислардан Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Абу Довуд ва бошқа олимлар унинг устозлари эди.

Имом Термизий Имом Бухорий билан учрашганида (бу учрашув Нишопурда бўлган ва икки аллома 5 йил биргаликда яшашган) ҳадиснинг матнини эмас, унинг ҳикмати ва фалсафасини тушуниб етганини эътироф этади. Ўз навбатида Имом Бухорий ўз шогирдини мақтаб, камтаринлик билан: “Сен мендан баҳра топганингдан кўра мен сендан кўпроқ баҳра топдим”, деган. Бу Термизийга берилган жуда катта баҳо эди.

868 йилда хориж сафаридан ўз юртига қайтган Термизий илмий-ижодий иш, шогирдлар тайёрлаш

31.	Саъид Ваққос мақбараси	Шеробод тумани	<p>САЪИД ВАҚҚОС - асли исмлари Аҳмаб ибн Абу Саъид Ваққос Термизий. Бу олимнинг туғилиш ва вафот йиллари, ижодий фаолияти ҳақида маълумот йўқ. У киши хазрат Имом Абу Ийсо ат-Термизий яшаган Буғ қишлоғи яқинида дафн этилган. Имом Термизий каби термизлик саййидлар хонадонидан бўлгани тахмин этилади. Олимлар фикрича, Шерободдаги Абдуллоҳ Саъид Ваққос мақбараси 11-12 асрларда барпо этилган. Демак, Абдуллоҳ Саъид Ваққос Термизий бундан анча олдинроқ яшаган. У кишининг “Тақдир ул-башар” номли асари бўлган.</p>
-----	------------------------	----------------	--

32.	Хўжаикон туз ғори	Шеробод тумани	1989 йил	<p>ХЎЖАИКОН ТУЗ ҒОРИ -</p> <p>Ўзбекистонда, хусусан Шеробод туманининг Хўжаикон туз ғорида бир неча йиллардан буён санатор-курорт даволаш услуги ривожланиб келмоқда. Шулардан бири туз ғорида соғломлаштириш профилактикаси усули билан даволаш тури Спелеотерапия деб аталиб, Хўжаикон туз ғори 1989 йилда очилган. Спелеотерапия – нафас олиш йўллари: астма, сурункали бронхит, зотилжам асоратлари каби касалликларни даволайди.</p> <p>Иммунитети пасайган ва бир хил тери касалликларга йўлиқкан беморларга ҳам туз ғорларида вақтини ўтказиш жуда фойдали натижа беради. Хўжаикон туз ғорининг бошқа туз ғорларидан афзаллиги иқлими қуруқ ва денгиз сатҳидан 1200 метр баландликда жойлашганлигидир. Хўжаикон туз ғорининг узунлиги 155 метр, ҳажми 900 метр³, ғорнинг ичida 5 та даволаш хоналари мавжуд бўлиб, хоналар бир-биридан ҳарорати, намлиги, босими ва микроэлементлари билан фарқ қиласди.</p>
-----	-------------------	----------------	----------	---

33.	Сурхон Давлат қўриқхонаси	Термиз ва Шербод туманлари	1987 йил	<p>СУРХОН ДАВЛАТ ҚЎРИҚХОНАСИ -</p> <p>Термиз тумани жанубида ва Шербод тумани Шимоли-ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, иккита мустақил ҳудуд: Орол-Пайғамбар ва Кўҳитанг тоғ тизмаси шарқий ёнбағридан ташкил топган. Умумий майдони 3092 га бўлган Орол-Пайғамбар ҳудуди 1987 йилда Кўҳитанг давлат қўриқхонаси билан бирлаштирилган ва умумий майдони 24554 га бўлган Сурхон Кўҳитанг ҳудуди Ҳисор тоғ тизмасининг жануби-ғарбий тармоқларида денгиз сатҳидан 1500 дан 3137 метргача баландликда жойлашган. Ҳозирги пайтда қўриқхонада қушларнинг 130 та тури, сут эмизувчиларнинг 25 та тури, судралиб юрувчиларнинг 27 та тури, балиқ ва сувда ҳам қуруқликда ҳам яшовчи ҳайвонларнинг 2 тадан тури бор. Қўриқхона ҳудудида IUCN ва Ўзбекистон Қизил китобига киритилган ҳайвонларнинг 17 та тури бор. Жами қўриқхонада ўсимликларнинг 827 та тури бўлиб, улардан 41 таси ноёб ҳисобланади.</p>
-----	------------------------------	----------------------------------	----------	--

34.	Хамкон кўли	Шеробод тумани	<p>Сурхондарё вилоятининг ғарбида, нисбатан унчалик катта бўлмаган, эни 800 метрга тенг Канбешбулоқ кўли Хамкон табиий чегара худудида жойлашган бўлиб, ноёб кўл ҳисобланади. Чунки, у табиий ёки сунъий тарзда ҳосил бўлмай, метеоритни қулаши натижасида ҳосил бўлган кратерда юзага келган кўлдир. Унинг кўплаб аломатлари қулаг тушган метеоритни изини эслатади ва ҳақиқий табиатнинг космогомик ёдгорлиги ҳисобланади. Кўл яқинидаги тупроқ ва дарё қуми таркибида метеоритларнинг ерга зарбаси натижасида юқори ҳарорат таъсирида пайдо бўладиган кўплаб тектитлар (майда шишасимон жисмлар) топилган. Қашқадарё ҳавзасини шарқий томондан ўраб турган тоғларда эса йирик ковакли ва шишасимон метеорит парчалари ҳамда космогомик характерга эга бўлган бошқа тошлар ҳам учрайди. Ўрта Осиё метеоритларини ерга қулашининг вақти 100 минг, баъзи маълумотларга кўра эса, миллион йиллар олдин рўй берган. Ушбу кўл кратерига ташриф буюришни ва “космосга қўл тегизишни” асло унутманг, чунки метеоритлар – бу қуёш ва сайёralар конденсациясига сабаб бўлган модда қолдиқлари ҳисобланади.</p>
-----	-------------	----------------	---

35.	Тешик тош ғори	Бойсун тумани	Мил.авв. 100-40 минг йиллик	<p>ТЕШИКТОШ ҒОРИ - Воҳанинг мўътадил иқлими гўзал табиати ва ниҳоят жанубий Ҳисор тоғ тизмалари туркумига кирувчи Бойсун ва Кўҳитанг тоғларида мавжуд бўлган ғорлар, мўнгликлар, даралар ибтидоий давр одамлари учун манзилгоҳ бўлиб хизмат қилган. Ана шундай манзилгоҳлардан бири Тешиктош ғори – мустъе маданиятига мансуб неандерталь одам маконидир. Бойсунтоғ (Сурхондарё вилояти) даги Зовтолошсой дарасида денгиз сатхидан 1500-1600 м баландликда ғорнинг шипи тешик (номи хам шундан) баландлиги 7 м, эни 20 м, чуқурлиги 21 м. Сахни кираверишига нисбатан юқорига кўтарилиб боради. Тешиктош ғорини биринчи марта 1938-39 йилларда акад. А.П.Окладников ўрганган. Ғорнинг маданий қатламлари унча қалин бўлмаган сариқ лойқа остида сақланиб қолган.</p> <ul style="list-style-type: none"> • ғорнинг топилиши Каспий денгизидан то Тинч океанигача бўлган ҳудудда оламшумул муҳим кашфиёт ҳисобланади. Бу ерда 9 ёшли неандертал боланинг танаси ва бош суяклари қолдиқларини топилган. Неандертал одамнинг тана суяклари атрофига эса тоғ эчкисининг шоҳлари тартиб билан терилиб, унинг атрофига қизил рангли бўёқлар сепиб қўйилган. Тешиктош ғорининг илмий тадқиқ қилиш жараёнида З мингга яқин меҳнат қуроллари, шу жумладан тош пичоқлар, қирғичлар ҳамда
-----	-------------------	------------------	--------------------------------------	---

			МАЧАЙ ҒОРИ - Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида жойлашган ибтидоий одамлар манзилгоҳи. Кўҳитанг тоғи яқинида, Мачайдарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган. Ў.Исломов томонидан ўрганилган (1970-71). Мачай ғорининг баландлиги 3,5-4 м, узунлиги 8 м, кенглиги 10 м га етади. Икки маданий қатламдан иборат: устки қатлам мезолит даврига, тепа қатлам-сўнгги мезолит ва илк неолит даврига оид. Ғор ичидаги мезолит даврига оид эркак ва аёл кишининг тана суяклари топилган. Шунингдек, бу ерда тош даври одамларининг турмуш тарзини акс эттирувчи ашёвий далилларни мавжудлиги ҳам фан олами учун янгилик бўлди. Топилмалар орасида 870 та тош, 15 ёввойи ва хонаки ҳайвонлар суюкларидан ишланган юзлаб ов қуроллари, тош пичоқлар, болталар, дасталар, арасимон қуроллар, бигизлар, ёйлар, найзалар, ўқ-ёй учлари борлиги Мачай ғорининг илм-фан оламидаги халқаро нуфузи нечоғлик баланд эканлигидан далолат беради. Ғорда истиқомат қилган одамлар мана шу юзлаб қуроллари ёрдамида хонаки ва ёввойи ҳайвонлар терисини шилганлар. Сўнгра улардан ўзлари учун турли хил кийимлар тикканлар. Ўрта тош даври ибтидоий одамлар тасавурлари ва эътиқодларида кескин ўзгаришлар даври ҳисобланади. Ана шу жараённинг Марказий Осиёning энг қадимги ранг-тасвиirlаридан саналган Кўҳитангдаги Зарауткамар ғорида битилган Зараутсой суратларида кўрсатиш мумкин.
36.	Мачай ғори	Бойсун тумани	Мил.авв. 12-6 минг йиллик

**ДАРБАНД ЧЕГАРА ИСТЕҲКОМИ ва
“ТЕМИР ДАРВОЗА”** Милоддан аввалги 2 аср ўталарида Бақтрия сиёсий иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда илмий ва шарқ маданиятининг муштарак ривожланиш жараёнини бошдан кечиради. Шу даврда кўплаб шаҳарлар, божхоналар, мудофаа истеҳкомлари бунёд этилган. Улар орасида Бойсун тумани ҳудудида жойлашган Дарбанд мудофаа истеҳкоми алоҳида ўрин эгаллайди. Қадимги манбаларнинг гувоҳлик беришларича Бойсун тоғининг Оққутол довонида жойлашган Дарбанд мудофаа истеҳкоми миллоддан аввалги 2 асрнинг 4-чорагида қурилган бўлиб, эрамизнинг 1-2 асрларида бутунлай қайта таъмирланган. Қадимшунос олимларнинг эътироф этишича Юнон-Бақтрия подшолиги даврида бунёд этилган бу иншоот деворининг узунлиги 1,5 км.ни, баландлиги 5 м.ни, қалинлиги 6 м.ни ташкил этган. Икки томони баланд тоғлар билан ўралган Дарбанд истеҳкоми айни пайтда божхона вазифасини ҳам ўтаган. Илмий манъбаларнинг далолат беришларича Нақшабнинг Термиз, Хинд-Хитой томон йўл олган савдо карвонлари энг аввало мана шу ерда маҳсус кўриқдан ўтган. Қадимшунослар Дарбанд мудофаа истеҳкомини текшириш жараёнида унинг ички деворлари ҳам мавжуд эканлигини аниқлашган. Дарҳақиқат, мудофаа истеҳкомининг олд яъни ғарбий тарафи ҳарбий ва божхона иншоотларининг қонун қоидалариiga мос равишда қурилган. Унинг йўнилган тошлар ва хом ғиштлардан

38.	Туманқўрғон қалъаси	Бойсун	Мил.авв. 2 аср	<p>Буюк Ипак йўлининг асосий манзилларидан бири сифатида довруғ таратган Туманқўрғон қалъасининг З томони чуқур жарлик билан тулашиб, теварак атрофи мудофаа девори билан ўраб олинган. Қалъа Шарқ билан ғарбни боғловчи йирик савдо маркази сифатида муҳим аҳамият касб этган. Тарихий манбаларда Хоразм, Самарқанд, Кеш, Нақшабдан Чағониён, Хитой Ҳиндистон томонга йўл олган сайёҳлар, карvonларнинг мана шу масканга тўхтаб ҳордиқ чиқарганлари савдо-сотик ишлари билан шуғулланганлари тилга олинади. Қадимшунос олимлар Туманқўрғон қалъаси изларини ўрганиш жараёнида унинг деворлари орасидан бадиий санъат намуналари, таҳтда ўтирган маъбуда, мусиқа</p> <p>асбоби чалаётган аёл хайкалчалари, безакли сопол идишлари, шунингдек ҳалқасимон билакузуклар, қўнғироқчалар, жез узуклар топишган. Улар орасида хорижий юртлардан келтирилган тақинчоқларнинг борлиги масалан, Миср пистасидан тайёрланган ҳаво ранг мунчоқларнинг мавжудлиги, ўз вақтида қалъанинг ҳалқаро обрӯ эътибори анча баланд бўлганлигидан дарак беради. Туманқўрғон қалъаси ота-боболаримизнинг онги, тушунчаси, тафаккури турмуш тарзи, юксак тасвирий санъат ҳақида тасаввур берувчи манбалардан бир сифатида қимматлидир. Ота-боболаримиз кўприклар, довонлар, баланд осма қувурлар, маҳабатла бинолар қатори элу юрт тинчлигини сақлашга хизмат қилувчи мудофаа истеҳкомлари ва божхоналар ҳам</p>

39.	Кўрғонзол ёдгорлиги	Бойсун тумани	Мил.авв. 4 аср	<p>ҚЎРҒОНЗОЛ – Бойсун тоғлари этагида жойлашган Кўрғонзол топилмалари биринчи бор 2003-2004 йилларда Л.Сверчков томонидан аниқланган ва қисман қазиб олинган. Кўрғон Бойсунсой ирмоғи бўлган Учкўл дарёси устидаги тоғ этагидаги тепаликда жойлашган. Кўрғонзол қалъасини мил.авв. 4 асрга, яъни Александр Македонский истилоси даврига қарашли қалъа ҳисобланади. Кўрғоннинг диаметри 30 метр бўлган ва доирасимон шаклда қурилган. Ички қисми ҳамда шимолий ва шарқий қисмларида доира шаклидаги 6 та буржи бор. Кўрғон 20 метрдан баландроқда тик тоғ бағрида жойлашган бўлгани сабабли, унинг жанубий ва ғарбий қисмларида буржлар қурилишига ҳожат бўлмаган. Кўрғон ташки деворининг қалинлиги 3 метр бўлиб, у иншоотнинг бошқа қисмлари қаторида пахса девордан иборат бўлган. Буржлардаги ўқсимон шаклда юқорига қаратиб ишланган туйнуклар хоналарни шабадалаш ёки ёритиш учун қолдирилган бўлиб, кейинчалик қисман ғишт билан ўраб чиқилган. Кўрғоннинг ягона дарвозаси икки тарафдан миноралар билан ўраб олинган бўлиб, шимолий деворда жойлашган. Унинг ортида жойлашган манзилгоҳ замонавий қишлоқ хўжалиги ишлари олиб борилганлиги натижасида бутунлай бузилиб кетган.</p> <p>Кўрғоннинг ички қисмida, дарвозанинг ўнг ва чап томонларида хўжалик ва яшаш хоналари бўлиб, улар ташки ҳимоч деворига тақаб қурилган.</p>
-----	---------------------	---------------	----------------	--

			УЗУНДАРА ИСТЕХКОМИ - бу истеҳком “Темир дарвоза” дан 10 километр жануби-ғарбда Күхитанг тоғларидағи Узундарада бунёд этилган. Узундара қалъаси Бойсун тумани шимоли-ғарбидаги сувсиз тоғ чўққисида жойлашган ёдгорлик бўлиб, у Бақтрия ва Сўғд чегарасида шимолий ҳудуддаги мудофаани таъминлаган муҳим стратегик обьект ҳисобланади. Узундара истеҳкоми ҳақида дастлабки маълумот Э.В.Ртвеладзе томонидан келтирилган. Ёдгорликда илк қазишма ишларини Ш.А.Раҳмонов амалга оширган. Кейинчалик Н.Двуреченская тадқиқотларни давом эттирган.
40.	Узундара истеҳкоми	Бойсун тумани	<p>Мил.авв. 3-1 асрлар</p> <p>Узундара қалъаси 1700 кв.м. майдонни эгаллаган бўлиб, қалъа тўлиқ очиб ўрганилган. Қалъа мудофаа деворлари қалинлиги 9 метрни ташкил этади. Таркибиға мураккаб тўғри тўртбурчак шаклдаги буржлар каби мустаҳкам фортификация иншоотлари киради. Бу истеҳком бир неча бир-бири билан боғлиқ деворлар ва қояларда жойлашган кузатув буржларидан таркиб топгпн.</p> <p>Узундара ёдгорлигидан топилган юон тангалари коллекцияси токи ҳозирга қадар Ўрта Осиё ҳудудида қўлга киритилган юон тангалари коллекциясидан ошганлиги ва улар орасида кичик ҳажмдаги Сотер Мегас кумуш тангаларининг учраши оламшумул воеа бўлган. Шунингдек, антик давр сопол буюмлар, турли даврларга оид найза учлари ва симоб пластиналар топилган.</p>

41.	Хўжамайхона зиёратгоҳи	Бойсун тумани	-	<p>ХЎЖАМАЙХОНА Дарбанд йўлидаги булоқ. Булоқдан секундига 3 куб сув отилиб чиқади. Булоқ сувлари тиник ва қишин-ёзин муздек. Булоқда балиқлар мавжуд бўлиб, уни ҳеч ким овламайди ва балиқларнинг энг катталари 1 метргача бўлади. Форнинг чуқурлиги ўрганилмаган, сабаби суви муздек ва ғорнинг туби борган сари торайиб борган.</p>
42.	Хунармандлар маркази	Бойсун Тумани		<p>БОЙСУН АМАЛИЙ САНЪАТ МИЛЛИЙ МАРКАЗИ - музей, устахона ва дўконлардан иборат. Сайёҳларни жалб қилиш салоҳиятига эга объек. Сайёҳлар устаҳунармандларнинг қўл меҳнати билан тайёрланган анъанавий маҳсулотларни сотиб олиш ва тайёрланиш жараёнини куриш учун ташриф буюришади. Марказда 16 киши фаолият юритади. Бу ерда ипларни тайёрлаш, бўяш, тўқиш ва маҳсулотларни тайёрлаш жараёнини тўлиқ кузатиш мумкин. Шунингдек, марказ ўз музейига ҳам эга. Марказ ЮНЕСКО ҳимоясига олинган.</p>

				САЙРОБ ЧИНОРИ - умр боқий дараҳт дея эъзозланиб келинаётган «Чинор бобо» минг ёшга тўлган. Воҳанинг Сайроб қишлоғидаги ана шундай икки туп кўхна чинор танасидаги каттакон ковакдан илгари аскарлар қароргоҳи, 1920 йилда қишлоқ кенгаши идораси, 1932-1934 йилларда кутубхона, 1936 йилда қишлоқ савдо дўкони, мактаб, чойхона, сартарошхона сифатида фойдаланилган. Ҳозир эса унинг ичида мўъжазгина музей ташкил этилган.
43.	Сайроб чинори	Бойсун тумани	1000 йил	<p>Чинор табиий ёдгорлик сифатида муҳофазага олинган. Яна бир эътиборли жиҳати, мазкур чинорлар остида асрлар давомида жилоланиб оқиб турган булоқ ва ундаги қоратусли балиқларни бошқа жойда учратмайсиз. Булоқ суви оқиб чиқадиган туйнуклар бўлса-да, юзлаб балиқларнинг бирортаси бу ерни тарқ этмаган. Бойсунликлар ушбу азим чинорлар остида улуғ шоир ва давлат арбоби Бобур тин олиб ўтганини фахрланиб гапиришади.</p> <ul style="list-style-type: none"> · Чинор ёши 950 йилга яқин, · баландлиги-26 м., · шоҳ-шаббалари диаметри-21 м., · танасининг баландлиги бўйича параметри-9,7 м., · танасининг илдизи бўйича параметри-16,5 м., · ковагининг ер сатҳи-3,5 м., · ковагининг баландлиги бўйича параметри-7 м.,

ОМОНХОНА Сурхондарё воҳасининг Бойсун тумани марказидан шарққа томонда катта автомобил йўли четидаги кўрсатгич сизни Омонхона манзилгоҳи томон олиб боради. Шу ерлик кексаларнинг айтишларича, одамлар Омонхонада 700 йилдан буён яшаб келмоқда. Қишлоқда жойлашган кўхна қабристон, ундаги қабртош битиклари ҳам шундан далолат бериб туради. “Омонхона” аслида бу атаманинг замирида ҳам қишлоқ мўъжизаларига, улар ҳақидаги ривоят ва афсоналарга мос маъно мужассамлашган. “Омон” – соғ, саломат, хавфсиз, тинч, осойишта мазмунларини англатса, “хона”-жой, ўрин, манзил, макон деганидир. Демак, “Омонхона” сўзи осойишталик ҳукм сурадиган, соғ-саломат бўлиб умр кечириладиган, тинч бир маскан маъносига эга. Катта йўлдан бурилгач адирликлар оралаб 15 километрлар юрсангиз қишлоқ марказига етиб борасиз.

Ҳақиқатнамо ривоятлар

—Омонхонада яшаган Султон Валий ва Назармамат халифа сойлик оралаб юриб, шу яқин атрофдаги Футтакамар тарафга йўл оладилар. Улар анча юриб мана шу тошга яқинлашганларида ортларидан бир тўда ёв бостириб келаётганини сезишиди. Ёвни кўрган кароматли инсон Султон Валий: “Халифам, туюни тошга тортинг, ёв босди!”, дебди. Назармамат халифа ҳам иккиланмасдан баландлиги еттисаккиз газ келадиган улкан харсангтошнинг устига чиқиб туюнинг жиловидан торта бошлабди. Ёв якин келганда эса тую аллакачон

ХҮЖА ҒҮРҒҮР ОТА -

Ўзбекистоннинг “ер ости
Жомолунгмаси” ёхуд дунёда энг
чукур ғори номига даъвогар.

- сатрлар муаллифи 1988 йили
журналистика сўқмоқларида
Россиянинг Свердловск (Хозирги
Екатеринбург) шаҳридан келган
бир гуруҳ ёш спелеолог-
ғоршуносларни учратганди.
Улар Бойсун тоғларида собиқ
Иттифоқ ҳудудида энг баланд
бўлган, бир неча километрга
чўзилувчи ва бир-бири билан
туташувчи ғорлар силсиласини
тадқиқ қилгандилар. Уларнинг
мақсади энг чукур ва энг узун
ғорларни топиш эди. Келгусида,
эҳтимол яқин йиллар ичидаги
ўзимизнинг ёш ғоршунос,
археолог ва санъатшунослар
олимлар Бойсун ва Кўхитанг
тоғларидаги ғаройиб ғорларни
Зараутдан қолишмайдиган,
балки ундан-да қадимирик
бўлган ибтидоий санъат
асарларини топиш мақсадида
тадқиқ қилишар, нафақат
үтмиши, балки келажаги ҳам
буюк бўлган она
диёrimiz—Ўзбекистоннинг
оламаро шуҳратига шуҳрат
қўшишар!” Мазкур иқтибос ўн
беш йил муқаддам (2003) дунё
юзини кўрган “Зараутсой
тилсимлари” китобидан
келтирилдики, бу билан баён
этимлиш мулоҳазалар маълум
маъно-даражада ўз исботини
эндиликда топаётгани
таъкидланади. Бунга ишонч
ҳосил қилмоқчи бўлган киши

46.	Жарқұрғон минораси	Жарқұрғон тумани	12 аср	<p>ЖАРҚҰРҒОН МИНОРАСИ -</p> <p>Сурхондарё вилояти Жарқұрғон тумани Минор қишлоғида жойлашган меъморий ёдгорлик (1108-09). Хуросон меъморлик мактаби анъаналари асосида барпо этилган. Ёнида бир вақтлар пишиқ ғиштдан қурилған Жоме масжид бўлған (сақланмаган). Миноранинг тепаси 16 та кунгурали устунлар шаклида ишланған бўлиб, унинг асосига тушган сари кунгурулар гўёки, ёй сингари ёйилиб кетаётгандек туюлади. Миноранинг кунгурулари куфий услубда битилған ҳошиялар билан боғланиб, ўзига хос маҳобат касб этади. Жарқұрғон минорасининг асоси 8 қиррали курсига ўрнатилған. Ҳар бир қирранинг марказида равоқли таҳмонлар ишланған. Ана шундай таҳмонлардан бирида жойлашган эшик орқали миноранинг ички қисмидаги айланма зинаға чиқилади. Барча миноралар сингари Жарқұрғон минораси ҳам гумбазсимон муazzимхона билан якунланади. Унинг дастлабки баландлиги 54 метрни ташкил қилған, аммо миноранинг тепаси сақланмаган. Н.Н.Каразин расмида масжид ва минора харобаси акс эттирилған (1879 й.). Миноранинг ҳозирги баландлиги 21,6 м., асоси (диаметри-5,4 м)нинг китобасида меъмор номи Али ибн Мұхаммад Сарахсий ва қурилған санаси ёзилған (В.А.Шишқин томонидан ўқилған). Жарқұрғон минораси таъмирланған, давлат томонидан муҳофаза қилинади.</p> <p>Жарқұрғон минораси ўзининг шакли шамойили билан биз европаликларга</p>
-----	-----------------------	---------------------	--------	--

47.	Қизилтепа ёдгорлиги	Шўрчи тумани	Мил.авв. 9-4 асрлар	<p>ҚИЗИЛТЕПА - Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани ҳудудида, Қизилсув дарёсининг ўнг соҳилида. Г.А.Пугаченкова раҳбарлигидаги Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси ходимлари томонидан ўрганилган (1971 й.). Қизилтепа режаси тўртбурчак шаклида (420x360 м) бўлиб, майдои 16 га. Қизилтепа жанануби-шарқий ва жануби-ғарбий томондан пойдевори 10 м қалинликда, (пахса ва хомғиштдан) асоси доира шаклида бўлган текис миноралари бор қалин девор билан ўралган. Девор ва минораларда ўқ отиш шинаклари бор. Девор атрофига хандақ қазилган. Тадқиқотлар Қизилтепада ҳаёт З асосий даврга бўлинганини кўрсатади. Қизилтепа -1 (мил.авв. 9-7 асрлар); Қизилтепа -2 (мил.авв. 7-5 асрлар); Қизилтепа -3 (мил.авв. 5-4 асрлар). Қизилтепа -2 даврида ҳаёт бирмунча ривожланган. Қалъа қўрғонида пахса вахом ғиштдан қатор ҳашаматли иморатлар қурилган.</p> <p>Қизилтепа илк шаҳар давлатлардан бири бўлиб, мил. ав. 4 асрда Александр Македонский қўшинларининг юриши вақтида бутунлай вайрон қилинган.</p>
-----	---------------------	--------------	---------------------------	---

48.	Далварзинтепа ёдгорлиги	Шўрчи тумани	Мил.авв.1- милодий З асрлар	<p>ДАЛВАРЗИНТЕПА – қадимги шаҳар харобаси. Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани маркази - Шўрчи шаҳридан 10 км шимоли-шарқда жойлашган. Майдони 47 га, Далварзинтепа 2 қисмдан: қудратли мудофаа девори (қалинлиги 10 м.гача) билан ўраб олинган шоҳ сарой қалъаси ва шаҳарнинг ўзидан иборат. Шаҳар ҳам мудофааининг истеҳкомли тизимиға эга бўлиб, бу ерда аслзодалар, ҳунармандлар, кулоллар, савдогарлар ва руҳонийлар истиқомат қилишган.</p> <p>Далварзинтепада 1962-67 йил дастлабки текширув ишлари олиб борилган.</p> <p>Кушон подшолигининг дастлабки пойтахти Далварзинтепа ўрнида бўлган. Мил.авв. 2 аср охири 1 асрларда ҳозирги Далварзинтепа ўрнида кичик манзилгоҳ пайдо бўлган. Кушон подшоларидан Канишка даврида Далварзинтепа шаҳар сифатида шаклланган. Мил. ав. 1 аср охири - милод бошларида Шимолий Бақтрия ҳудудида Далварзинтепадан бошқа бунчалик йирик шаҳар манбаларда қайд этилмаган. Шаҳар ҳудудида уни бир қанча маҳаллаларга ажратган шоҳкўчалар, шунингдек, торкўчалар бўлган.</p> <p>Мил. 3 аср охири – 4 аср бошларида Кушон подшолиги эфталийлар томонидан забт этилгандан кейин Далварзинтепа вайрон қилиниб ҳаёт фақат унинг бир қисмидагина (ҳозирги қалъа (ҳисор) шоҳ саройи ўрнида) сақланиб колган.</p> <p>Кушон салтанатининг инқизори ва III</p>
-----	-------------------------	--------------	-----------------------------------	---

ИСКАНДАР КҮПРИК - Қумқұрғон ва Жарқұрғон туманлари чегарасидан ўтган Бандиҳонсойда XVI асрга оид күпrik сақланиб қолған. Күпrik қурилған жойда сой 20 метр кенглилікка ва 10 метр чуқурлікка әга дара ҳосил қилған. Күпrik Термиз билан Җағониён ва Ҳисорни боғлаб турған мұхим карвон йўлида қурилған.

Күпrikни илмий ўрганилишини 1900 йилда рус ҳарбий зобити Б.Н.Кастальский бошлаб берған. У күпrikни ўлчаб фотосуратта олған ва бу иншоот қадимда акведук бўлған деган холосага келған. Маълумки акведуклар жар ва шу кабиларнинг устидан олиб ўтиладиган осма нов ва ариқлардир.

1937 йилда күпrikни текширган Термиз археология комплекс экспедицияси ходими Д.Д. Букинич аксинча бу иншоотни виадук яъни сув ўтқазгич күпrik эканлигини ёзиб қолдирған. Унинг ёзишича баҳорги сел оқими туфайли карвон йўлида ҳаракат тўхтаб қолмаслиги учун ана шундай күпrikлар қурилған.

Академик Э.В.Ртвеладзе ва З.А.Аршавскаялар 1974-1977 йилларда охирги марта күпrikда илмий тадқиқот ишларини амалга оширилар. Ушбу тадқиқотлардан маълум бўлишича қадимда күпrik учта вазифани бажарған. Яъни күпrik устида транспорт ўтадиган йўл ва унинг икки ёнбошида йўловчилар ўтадиган йўлакча ва сув ўтиши учун нов жойлашған.

- тадқиқ қилған олимларнинг бариси ишбу иншоот кимнан

БУДРАЧТЕПА – қадимий шаҳар харобалари. Сурхондарё вилояти Денов туманида жойлашган. Майдони салкам 120 га. Унга Захартепа, Оқмозортепа ва Дунётепа деб номланган тепаликлар киради. Будрачтепа ўрта асрларда Чағониён деб аталиб, подшо саройи, шаҳристон ва рабоддан иборат бўлган. Будрачтепа Афросиёб деворий расмларидаги сўғдча ёзувларда “Чағониён” араб манбаларида “Сағониён” деб аталган.

Илк бор 1960 йилда Будрачтепа ёдгорлиги аниқланган. 13 аср бошида шаҳар мӯғул истилочилари томонидан вайрон қилиниб 15 аср бошларида эса шаҳристонда ҳаёт тамомила тўхтаган, Дунётепада ҳаёт қисман кечган, Оқмозортепа эса пишиқ ғиштлар билан тикланган қабристонга айлантирилган. Шаҳар ўрни рабоддан шарқда - Ғишли деган жойда пайдо бўлган, у ерда маданий қатлам 4-5 м ни ташкил қиласди; 16 аср бошларида шайбонийлар томонидан шаҳар батамом вайрон қилинган. Чағониён пойтахти энди Будрачтепадан 10 кмча узоқликда жойлашган “Дех-и-нав” га, ҳозирги Деновга кўчган.

Чағониён шаҳри ҳақида араб-форс ёзма манбаларида анча маълумот берилган, лекин афсуски, улар етарли даражада батафсил эмас. Чағониён милоднинг X-XI асрларида Ўрта Осиёнинг энг йирик шаҳарларидан бири хисобланган, аҳолисининг сони ва бойлиги жиҳатидан Термиздан кейин турсада, бирок майдони жиҳатидан

51.	Холчаён ёдгорлиги	Денов тумани	Мил.авв. 1 - мил. З асрлар	<p>ХОЛЧАЁН - Юнон-Бақтрия ва күшонлар даври маданиятига оид ёдгорликлар мажмуаси. Сурхондарё вилоятининг Денов тумани ҳудудида жойлашган. Бир неча тепалик (Хонақоҳтепа, Қорабоғтепа, Маслаҳаттепа каби бир неча қадимий харобалардан иборат. Ҳудудда истеҳком, канал, боғ, сарой, турли бинолар қолдиғи мавжуд. Ёдгорлик Санъатшунослик институтининг Г.А.Пугаченкова раҳбарлигидаги археология-санъат экспедицияси томонидан ўрганилган (1959-63). Хонақоҳтепадан мил. авв. 2-1 асларга оид ҳукмдор саройи қолдиғи топилган. Г.А.Пугаченкованинг тахминига кўра, сарой юечжи қабилаларидан бирининг жабғуси Герайга тегишли бўлган. Сарой ёғоч устунли айвон, меҳмонхона, подш тахти қуйилган хона, йўлак ва бошқа қисмлардан иборат ғиштдан ишланган. Деворлари бўялиб, нақш ва расмлар солинган. Сочи силлиқ тараалган бақтриялик йигит, унинг яқинида яна бир бошқа этник гуруҳга мансуб йигит тасвирининг қолдиқлари топилган. Холчаён деворий суратларида узум ғужуми, япроқлар, улар орасида осилиб турган қандайдир думалоқ мевалар, гуллар тасвири ўрин олган.</p> <p>Бинолар ҳайкаллар билан безатилган. Улар елимга табиий бўёқлар аралаштирилиб бўялган. Аёл ва эркакларнинг қиёфалари (совут кийган жангчилар, сухбатлашаётган ҳукмдор, жанг лавҳаси) маҳорат билан ишланган. Холчаёндан жуда кўп археологик ашёлар – хум, тоғора, кўза, сопол идишлар, ханжар, қилич,</p>
-----	----------------------	-----------------	----------------------------------	---

52.	Саид оталиқ мадрасаси	Денов тумани	16 аср	<p>САИД ОТАЛИҚ МАДРАСАСИ – 16 асрнинг энг катта мадрасаларидан бири бўлиб, Денов шаҳрида жойлашган меъморий ёдгорлик. Қуръон сураларига монанд 114 та ҳужрадан иборат қилиб қурилган икки қаватли иншоот.</p> <p>17-аср географи Махмуд ибн Валининг ёзишича Денов ўша даврда катта шаҳар бўлганлиги унинг мустаҳкам қалъаси, жуда яхши бозори, катта мадраса ва хонақоҳи бўлганлигини ёзib қолдирган. Маҳаллий аҳоли мадрасани бундан 200-300 йил аввал Саид Оталиқ номли инсон буюртмаси асосида бунёд этилганлигини айтишади. Баъзи хабарларга кўра мадраса Нақшбандия тариқатининг арбобларидан бири Хожа Алоуддин Атторга аatab у кишининг авлодлари томонидан 26 йил давомида қурилган. Қурилишда уста Аҳмад Мамат Бухорий раҳбарлик қилган. Айтишларича, Хожа Алоуддин Аттор зотлари Баҳоуддин Нақшбанднинг куёвлари бўлиб, у кишининг икки халифаларидан бири бўлган. Бу киши дағн қилинган қабрлари ҳозир «Шайх Аттори Валий» ёки «Остона бува» дейилади.</p> <p>Мадраса қурилиши буюртмачиси Саид Оталиқ ҳам Алоуддин Аттор авлодидан бўлган. Меъморий тадқиқотларга кўра пойдеворининг чуқурлиги 5,5 метр. Мадраса шимолдан жанубга томон чўзилган, тўғри тўртбурчак тарҳли (46x64 м.), бурчакларига гулдасталар ишланган. Пештоғининг икки ён томонида икки қаватли уч равоқли пешайвони бор. Пешток орқали кираверишда</p>
-----	-----------------------	--------------	--------	--

ХОЖА АЛОУДДИН АТТОР - асл исми Муҳаммаб ибн Муҳаммаб Бухорий. Отаси хушбўйликлар тижорати билан шуғулланганлиги боис сулола “Аттор” лақабини олади. Хожа Алоуддин ўрта бўйли, буғдойранг, истарали, камтар, иқтидори ва фаросати баланд, сұхбати таъсирли, хулқи кўзал киши эди.

Отасининг вафотидан сўнг қолган бой меросини укалари Шахобиддин ва Муборакка тақсимлаб берди. Ўзи эса Бахоуддин Нақшбанд ҳузурига борди ва синовлардан муваффақиятли ўтди. Илм истагида заҳмат чекиб, юксак рутбаларга эришди.

Мадрасаларда қунт билан олган билими, фақирона ҳаёт тарзи, гўзал аҳлоқи билан устозининг назарига тушди. Хожа Нақшбанд уни фарзандидек яхши кўриб, ўзига куёв қилишни истади. Бир куни у зот Қасри орифондан чиқиб, Бухородаги мадрасага келди ва Алоуддиннинг хонасига кирди. Унинг эски бўйра устида дарс қилоётганини кўрди. Тўшак вазифасини ўтовчи бу бўйра, ёстиқ ўрнида ишлатиладиган ғишт, ёпинчиқ вазифасини бажарувчи ҳирқа ва тахорат обдастасидан бошқа нарсаси бўлмаган шогирдига ниятини билдириди. Кўп ўтмай ихчам ва файзли никоҳ маросими бўлиб ўтди. Янги оиласда тўрт фарзанд – Хожа Ҳасан Аттор, Хожа Шахобиддин, Хожа Муборак ва Хожа Алоуддин исмли ўғлонлар дунёга келди. Уларнинг ҳар бири илм эгаллаб, юксак мақомларга эришди.

54.	Калламозор ёдгорлиги	Денов тумани	19 аср	<p>Денов шахрининг ғарбий қисми, қизилсув дарёси кун чиқар томонидаги “Калламинора” тепалигихам тарихий обида сифатида муҳум аҳамият касб этади. Обиданинг “Калламинора” деб атилишига Бухоро амири сиёсатидан норози бўлган исён кўтарган ва амир Насруллохон исёночиларни қиличдан ўтказиб қатил этиб ҳалок бўлганлар калласидан минора қургани сабаб бўлган дейилади манбаларда. Обида ўтган асрнинг 90-йилларига қадар давлат ва жамоатчилк эътиборидан четда қолиб шу атрофда яшовчи аҳоли томонидан бир қисми ўзлаштирилиб томорқаларга қўшиб юборилган.</p> <p>Объект координати N (С) 38°16'10, E (В) 67°53'10, майдони 0,18 км.м</p>
55.	Дендробоғи	Денов шаҳри	20 аср	<p>ДЕНОВ ДЕНДРОБОҒИ - (юнонча dendron – дараҳт) 20 аср ўрталарида ташкил топган. Умумий майдони 103 гектар. Субтропик ва эфир мойли буталар ўрмони билан қопланган давлат табиат ёдгорлиги ҳисобланади. Айрим табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва муҳофаза этиладиган ландшафтларни тиклаш учун мўлжалланган ҳудуд.</p>

56.

Мавлоно
Муҳаммад
Зоҳид
мақбараси

Олтинсой
тумани

МАВЛОНО МУҲАММАД ЗОҲИД -
Шайх, шоир ва аллома. Лақаблари
Мавлоно Муҳаммад Зоҳид
Вахшуворий Бадахший Порсо. Хожа
Муҳаммад Зоҳид ўз замонасининг
буюк олимларидан, шоир, ориф,
зариф, ошиқ ва мақбули Аллоҳ
бўлган, асрори илоҳийяга маҳрам
бўлган бир зот эдилар. Фақр,
тажарруд, тафрид, вараъ, тақво,
зухд, суннатга мутобаат бобида
тасавуфнинг улуғ мақомларига
кўтарилиган шахсадир. Силсиласида
омонатни Хожа Убайдуллоҳ Ахрор
хаҳратларидан олган ва манбаларда
“Муҳаммад Зоҳид Вахшуворий Хожа
Ахрор Валийнинг иккинчи халифаси”
дея тилга олинади. Вахшувор жой
номи сифатида 15 асрда Хожа
Муҳаммад Зоҳид Вахшуворий
нисбасида учрайди. Айнан бу жойни
эътибор қозониши икки улуғ шайх,
аллома ва шоир номлари билан
боғлик: бири - Мавлоно Муҳаммад
Зоҳид, 15-16 асрларда яшаб ўтиб,
Кичик Вахшуворда дафн этилган,
иккинчиси - Сўфи Оллоёр, 17-18
асрларда яшаб, Катта Вахшиворда
дафн этилган.

Мавлоно Муҳаммад Зоҳид
Вахшуворий таваллуди таҳминан
1460 йил. Вафоти ҳижрий 936
(милодий 1529-1530) йил. Қабри
Олтинсой тумани Вахшувор
қишлоғида. Бугунги кунда қабрлари
обод қилинган, Сурхондарё
вилоятининг муҳим
зиёратгоҳларидан ҳисобланади.

ХҮЖА ХАСАН ИЛҒОРИЙ – 582-630 ийилларда яшаб ўтган пайғамбар сахобалардан бири. У Исломни тарғиб қилишда катта күч сарфлаган. Ислом илмининг билимдонларидан бири сифатида бир қанча жангларда Мұҳаммад Пайғамбарларимизга ёрдам берган, ўта довюраклиги ва ботирлиги туфайли у жангларда жасорат күрсатган. Хотираси кучли бўлиб, ҳар қандай маълумотни ёдида сақлаб қолган. Исломга оид рисолалар ҳам битган. Шунинг учун унга Хўжа Хасан ёнига Илғорий (тез илғовчи, англовчи, зийрак) деган таҳаллус берилган.

Ривоят қилишларича, хазрати Али Ибн Абу Толиб Ўрта Осиё халқларини забт этиш ва уни ислом динига киритиш учун қаттиқ жанглар олиб борган кезларда, орадан 1 йил ўтса ҳам Алидан дарак бўлмаган. Шунда пайғамбаримиз кўзларига ёш олиб, уни ўлик тириклигини ҳам билмадик деб сахобаларига гапиргандар.

Шунда Хўжа Хасан Илғорий пайғамбаримизга таъзим қилиб, хазрати Алидан хабар олиб келиш учун йўлга чиқишига рухсат сўрайди. У Алини қидириб топиб, у билан бирга жанг қиласди. Аммо у оғир яраланиб, ҳозирги зиёратгоҳда ётиб қолади. Қайтиб кетишга кўзи етмагач бир кабутарни ушлаб, унга нома битиб, Алининг тириклиги ҳақида маълумот беради.

Пайғамбаримиз номани олиб: “Биз учун бегона юртларда ҳокинг қолди. Илоҳо зиёратгоҳга айлансин” деб дуо қиласдилар. Ана шундан кейин бу манзил зиёратгоҳга айланади. Бу

58.	Сўфи Оллоёр мақбараси	Олтинсой тумани	18 аср	<p>СЎФИ ОЛЛОЁР тариқат арбоби ва мутасаввуф шоир ҳисобланади. У 1644 йилда Каттақўрғоннинг Минглар қишлоғида туғилиб, 1724 йилда Олтинсой тумани Вахшивор қишлоғида вафот этган. Бухородаги жўйбор шайхлари даргоҳида таълим олган, араб ва форс тилларини ўрганган. Бухоро хони Абдулазизхон томонидан бож маҳкамасида тўра этиб тайинланган. Дарвешона феъл, шоирона қўнгил соҳиби бўлган Сўфи Оллоёр бу лавозимдан тезда истефо бериб, ўз даврининг машҳур шайхи Наврўзга шогирд тушган, тариқад талабларини бажариб, шайхлик мартабасига кўтарилган, валиуллоҳ (каромат соҳиби) бўлиб етишган.</p> <p>Туркий ва форсий тилларда ижод қилган Сўфи Оллоёр ижодининг асосий йўналиши ислом маърифатини кенг халқ орасида ёйиш ва тасавуфнинг инсоний камолот билан боғлиқ ғояларини тарғиб-ташвиқ қилишдан иборат. У “Маслак ул-муттақин” (“Тақвадорлар маслаги”), “Мурод ул-орифин” (“Орифлар муроди”), “Махсан ул-мутеъин” (“Итоаткорлар хазинаси”) асарларини форсий, “Сабот ул-ожизин” (“Ожизлар саботи”), “Фавз ун-нажот” (“Нажот тантанаси”) маснавийларини туркий тилда яратган.</p> <p>Асарларида ислом аҳкомлари, тариқат талаблари, инсоний комиллик шартларини бирма-бир таърифлаб берган. Унинг диний-тасаввуфий руҳдаги панду ҳикматга йўғрилган асарлари нафақат Туркистон, балки Қашқар, Волга бўйи, Астрахан, Булғор, Оренбург ва</p>
-----	-----------------------	-----------------	--------	---

59.	Хўжаипок зиёратгоҳи	Олтинсой тумани	<ul style="list-style-type: none"> - Термиз-Денов туристик йўналишида жойлашган ҳам табобат ҳам зиёрат маскани ҳисобланади. Хўжаипок номи Абдураҳмон ибн Анд ҳазратлариға берилган нисбат. Ушбу ғор Кенаги тоғ этакларида жойлашган. Ғорниңг узунлиги мутахассислар томонидан тўлиқ ўрганилмаган. Ғорниңг юза қисмидан қайнаб чиқадиган шифобахш булоқ суви 45 метрлан, кичик ер ости дарё сувидан оқиб чиқади. Ғордан секундига 200 литр сув оқиб чиқади. Сув таркиби Симашка номли илмий текшириш маркази лабораторияси томонидан текшириб кўрилганда натрий, калий, кальций, гидрокарбонат натрий, кремний кислотаси, азот, темир, алюминий ва бошқа микроэлементлардан иборатлиги аниқланган. Ғорниңг 1 литр суви таркибида 10-11 млгр. олтингугурт мавжуд бўлиб, тери, ошқозон-ичак, артрит, асад касалликлари, акушер-гинекологик касалликлариға даво. Ғор ичida табиий ванналар ҳам мавжуд. Ғордан келадиган сувни шифобахшлигини одамлар қадимдан билганлар ва ундан фойдаланганлар.
-----	---------------------	-----------------	---

60.	Сангардак шаршараси	Сариосиё тумани	<p>САНГАРДАК ШАРШАРАСИ – Термиз шаҳридан 205 км масофада Сариосиё туманида жойлашган. Шаршара сувлари тоғнинг 150 метр баланд қисмидан оқиб тушади ва унинг сув томчилари ерга урилиб, майда заррачалар ердан кўтарилиб ҳавода туман ҳосил қиласи. Буни кўриб киши нафақат завқланади, балки томчилар оҳангидан ҳосил бўлган мусиқа кишини оҳанграбодек ўзига тортади. Дарё бўйларида ёввойи ўсимликлардан: анжир, узим, тамариска, арча ва бошқа дарахтлар ўсади.</p> <p>Сангардар шаршараси айниқса, баҳор, ёз ва куз мавсумларида чиройли кўринади. Сангардакдан 30 км масофада Хондиза дам олиш маскани жойлашган бўлиб, у ерда ёзнинг иссиқ кунларида ҳам салқин ҳаво ҳукм суради. Дам олиш маскани ноёб ўсимликлар ўсадиган кўркам табиат қўйнида жойлашган, аҳолининг севимли маскани ҳисобланади.</p> <p>Сангардак ва Хондиза йўлида Нелу қишлоғида диаметри 22 метр бўлган кўп йиллик чинор ўсади. Чинор остида тиник сувли булоқ бўлиб, унда маҳаллий номи “Маринка” бўлган захарли балиқлар яшайди.</p> <p>Шаршаралар қадимги скандинавия халқлари учун бошқа дунёга ўтиш жойи ҳисобланган. Уларга сиғинишган, шаршаралар ёнида қурбонликлар келтиришган ва илоҳий маросимлар ўтказишган. Ҳозирда шаршараларга табиий ҳолат сифатида қаралсада, шаршаралар аввалги замонлардагидек ўз</p>
-----	---------------------	-----------------	---

61.	Тўпаланг дарё сув омбори	Сариосиё тумани	<p>ТЎПАЛАНГ СУВ ОМБОРИ — Амударёнинг ўнг ирмоғи. Номи тоҷикча “Қизил дарё” (тоҷ.сурх-қизил, дарё). Жанубий Ҳисор тоғ тизмаларидан оқиб тушувчи Қоратоғ ва Тўпалангдарё сувларининг қўйилиши натижасида ҳосил бўлади. Дарёнинг узунлиги 175 км, ҳовуз майдони 13 500 км² ни ташкил этади. Июндан август ойигача дарё сувга тўлади. Ўртacha сувнинг сарфланиши 6 км масофада, Мангузар бошидан 65,8 м³/с ташкил этади. Дарёда жануби-Сурхон сув омбори ҳам жойлашган.</p>
-----	--------------------------	-----------------	--

62.	Оқостона бобо мақбараси	Узун тумани	10-11 асрлар	<p>ОҚОСТОНА БОБО МАҚБАРАСИ –</p> <p>Сурхондарё вилояти Узун тумани Телпакчинор қишлоғидаги меъморий ёдгорлик (10 аср охири – 11 аср бошлари). Мақбара чорси хонали (ташқи ўлчами 9x8,7 м., ичкиси 5,65x5,80 м.), тарзларига ғиштлар мавж шаклида терилган. Шимоли-шарқий тарзидаги равоқ орқали кирилади. Унинг 2 ёнига ишланган гулдастадан фақат жанубий қисмидагиси сақланган. Пойгумбази ғўласимон, юқориси қубба билан якунланган. Гумбаз ости бағаллари 8 қиррали, чуқур равоқлар ишланган.</p> <p>Оқ Остона бобо мақбараси бир хонали иншоот бўлиб, ўзининг режавий-композицион ечимида лўнда. У лойиҳа бўйича тўртбурчак (ташқи тарафи бўйича 9 м га яқин), билинар-билинмас найзадор гумбаз билан ёпилган. Дафн бўлмасининг марказига йирик сағана қўйилган. Мақбара ички қисми ихчам: ўқ бўйича тўртта чуқур равоқдор тахмонлар бурчакли, режада ўн икки қиррали. Чоракталик қилиб кесилган куйдирилган ғиштдан шахмат тартибидаги устунлардан қурилган.</p> <p>Гумбазга ўтиш қуббасимон ўйиқли қабариқсимон равоқдаги тромплар ёрдамида амалга оширилади. Деворларни кўтаришда асосий қурилиш маҳсулоти сифатида куйдирилган ғишт лой қоришмаси билан кўтарилилган, томлар қурилишида эса ганчдан фойдаланилган.</p> <p>Оқ Остона бобо – кубовий ҳамда шарсимон шаклларни уйғунлаштирган бир хонали,</p>
-----	-------------------------	-------------	--------------	--